

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

УСМОНОВА НИГОРА АБДУЛҲАМИДОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ПУБЛИЦИСТИКАДА МАВЗУ, МУАММО ВА
МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on philological sciences**

Усмонова Нигора Абдулхамидовна

Замонавий публицистикада мавзу, муаммо ва маҳорат
масалалари..... 3

Усмонова Нигора Абдулхамидовна

Тематика, проблема и вопросы мастерства в современной
публицистике..... 25

Usmonova Nigora Abdulkhamidovna

Topics, problems and skills issues in modern
journalism..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

УСМОНОВА НИГОРА АБДУЛҲАМИДОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ПУБЛИЦИСТИКАДА МАВЗУ, МУАММО ВА
МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3.PhD/Fil11016 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzjoku.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташмухамедова Латофат Исмаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухтор Худойқулов
филология фанлари доктори, профессор.

Олим Тошбоев
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06. e-mail: journalism.univer@gmail.com)

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com)

Диссертация автореферати 2023 йил “_____” _____ кунни тарқатилди.

(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.А.Мўминов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Н.Ф.Муратова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Қ.Т.Ирназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон медиамаконида замонавий публицистика масаласини тадқиқ қилиш янгича ёндашувни талаб этмоқда. Публицистикадаги жанрлар, мавзу, муаммони таҳлилий ёритиш, назарий янгича қарашлар, уларнинг публицистика ривожига таъсири, омиллари, принциплари такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда журналист маҳорати анъанавий талаблардан ташқари мобиллик, техник воситалардан фойдалана олиш, ОАВнинг ҳар бири тури талабларига мос тарзда ижод қилишни ҳам ўз ичига олмоқда. Эндиликда жамият аъзолари нафақат ахборот қабул қилувчи, балки оммавий ахборот алмашинув жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Жаҳон амалиётида замонавий публицистикада мавзу, муаммо ва маҳорат масаласи бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар алоҳида эътиборга молик. Жумладан, жаҳоннинг илғор мамлакатлари – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Малайзия, Франция, Япония, Россияда публицистикани комплекс ўрганиш билан бирга унинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги, турлари, маълум ижодкор публицистикаси, публицистикада аудиториянинг аҳамияти, мавзу ва маҳорат масалалари бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда публицистиканинг шаклланиши жамият тараққиётидаги турли мураккаб жараёнлар таъсирида кечди: ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, технологиялар такомиллашуви ва коммуникация усуллари эволюцияси, халқаро маданиятнинг ўзаро алоқаларини кучайтирган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар шулар жумласидандир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да “Фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиабозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” каби вазифалар белгиланган². Бунда жамият ҳаётида ОАВнинг ўрни, демократлашув жараёнида долзарб мавзуларни топа олиш, уларни ёритиш тамойилларини ўрганиш, юзага келган муаммоларни таҳлил этиш, журналист маҳорати, жанр тушунчаси, материал тайёрлашда тилдан фойдаланиш ва таҳрир масалаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги N 541-I “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни, 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сон “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сон “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ўзбек ва жаҳон журналистикасини ўрганишда публицистиканинг илмий-амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган ишлар диссертациянинг назарий асосини таъминлайди³.

Ўзбекистон Республикасида публицистиканинг умумий хусусияти, тури, назарий муаммолари, ижодкор публицистикаси, унга таъсир этувчи тил бирликлари борасида М.Худойқулов, Қ.Ирназаров, С.Карабаева, А.Мелибоев, Х.Дўстмуҳаммад, Х.Хамраева, Я.Маматова, Н.Тошпўлатова, Н.Муратовалар тадқиқот олиб борган⁴.

³ Худойқулов М. Ҳозирги замон журналистикаси. –Т.: 2008; Қозокбоев Т., Худойқулов М. Журналистикага кириш. –Т.: 2018.; Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат 100 саволга 99 жавоб. –Т.: 2015; Нурматов А., Дўстқораев Б., Мўминов Ф., Саидов Х., Тошпўлатова Н., Махсумова С. Журналистика назарияси тарихи ва тараққиёти. Ж.1:-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019 й. 126-130 б.; Қурбон. Таҳлилий журналистика. –Т.: 2019; Маматова Я., Арифханова С. Вопросы профилактики насильственного экстремизма: освещение в массмедиа Узбекистана.-Т.: 2020.- С. 82.; Муратова Н. Онлайн журналистика: назария ва амалиёт.Ўқув қўлланма.-Т.: Қақнус-Медиа.2019 й.121-122 б.; Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. –Т., 2006; Лазутина Г.Основы творческой деятельности журналиста. –М.: 2004; Прохоров Е.П. Публицист и действительность. – М., 1973; Ученова В.В. От вековых корней: Становление публицистики в русской культуре. –М.: Сов. Россия, 1985; Черепанов М.С. Проблемы теории публицистики. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: Мысль, 1973; Проблемы теории публицистики. Сборник статей. –М.: 1980; Русский литературный портрет и рецензия в XX веке: Концепции и поэтика. Сборник материалов /Редактор-составитель В.В.Перхин. СПб., 2002; Бахтин М.М. Проблема речевых жанров // Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М.: Искусство, 1979; Информационные жанры газетной публицистики: Хрестоматия. – М.:1986; Скуленко М.И. Убеждающее воздействие публицистики: (Основы теории). Киев: Виц. шк.: Изд-во при Киев. гос. ун-те, 1986; Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style.Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA. 2008.

⁴ Худойқулов М.Ҳозирги замон журналистикаси. –Т.: 2008., Ташпўлатова Н.Қ. Таҳлилий журналистика. –Т.: Вауоз, 2019. -248 Б., Эрназаров Қ. ва бошқалар. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. –Т.: 2002. Тошкент Ахборот манбаи маркази. Университет, -200 б., Карабаева С.Б. “Ёзувчи публицистиканинг ривожланиш хусусиятлари (Ў.Ҳошимов, Х.Дўстмуҳаммад бадиий публицистикаси мисолида)”:Филол.фан.ном...дис. - Т.:2011., 28.БМелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат 100

МДХ давлатларида публицистикани комплекс тадқиқ этишга бағишланган ишлар рус олимлари Е.В.Журбина, М.С.Черепанов, В.В.Учёнова, М.И.Стюфляева, Е.П.Прохоров, В.И.Здоровега, Л.Г.Кайда, Ю.Н.Веремеенконинг илмий асарларида ва тадқиқотчилар З.В.Сенук, М.Л.Спивак, К.О.Качурин⁵нинг илмий ишларида турли аспектда ўрганилган.

АҚШ, Европа мамлакатларида В.Беннетт, Даун-Вамбольдт, Д.Халлин, Р.Ледерман, К.Макфарлейн, Л.Кесслер, Д.Макдональд⁶ каби хорижий тадқиқотчилар ва мутахассислар публицистикага оид фикрларни таҳлил қилиш орқали замонавий публицистика тенденциялари, мавзу ва муаммо масаласини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратишган.

Публицистикада мавзу ва уни танлаш, мавзунинг юзага келиши, мавзу танлаш қоидалари, асар ғояси: материалнинг пайдо бўлиши, тўпланиши, тузилиши, гипотеза, замонавий публицистикада муаммо ва уни ёритиш, публицистик матннинг асосий кўрсаткичлари (координатлари), публицист маҳоратининг илмий-назарий асослари ўзбек ҳамда хорижлик олимлар томонидан тадқиқ қилинган⁷.

саволга 99 жавоб, Ижод кўнгили мунаварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. -316 Б, “Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили ва услуби” Филол.фан.ном...дис.-Т.:2012, Таҳлилий журналистика. Ўқув қўлланма.-Т.: 2019. Муратова Н., Гризл Э., Мирзахмедова Д. Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги: - Т.: Baktria press, 2019;

⁵ Журбина Е.В.Теория и практика художественно-публицистических жанров.-М.: Мысль, 1969.-399 с.; Черепанов М.С. Тайна мастерства публициста. –М.: Мысль, 1984. -150 с.; Учёнова В.В. У истоков публицистики. –М.: МГУ, 1989. -214 с.; Стюфляева М.И. Поэтика публицистики. –Воронеж: Воронеж. Универ.-т., 1975. -153 с.; Стюфляева М.И. Образные ресурсы публицистики. –М.: Мысль,1982.-176 с.; Прохоров Е.П. Искусство публицистики. –М.: 1984. – 260 с.; Здоровега В.И. Публицистика, её природа, общественная роль, гносеологические и психологические основы. –М.: Мысль, 1989. -160 с.; Кайда Л.Г.Композиционная поэтика публицистики. –М.: Наука, 2006.-144с.; Веремеенко Ю.Н. Современная политическая публицистика: Предметно-функциональные и гносеологические характеристики Автор. дисс...док. политичес. наук. – М.: 2003. – 43 с.; Сенук З.В. Публицистика как фактор развития политической культуры: Автореф. дис... канд. филос. наук. Екатеринбург, 1993. 10 с. Спивак М.Л., Публицистика Андрея Белого в биографическом и историко-культурном контексте (1916-1934) Автор. дисс...док. филологичес. наук. – М.: 2012. – 43 с.; <https://www.dissercat.com/content/avtorskaya-pozitsiya-i-sredstva-ee-vyrazheniya-v-publitsistike-ve-maksimova>

⁶ Bennett, W. L. Toward a Theory of Press-State Relations in the United States. *Journal of Communication*, 1990. 103-127., Downe-Wamboldt, B. Content analysis: method, applications and issues. *Health Care for Women International*, 1992. 313-321., Hallin, D. Comparing media systems: Three models of media and politics. Cambridge: Cambridge University Press., 2004. Lederman, R.. Content analysis of word texts. *The American Journal of Maternal Child Nursing*, 1991. 169-185. Colin Macfarlane. Hit the Headlines Exciting journalism activities for improving writing and thinking skills. © 2012.P. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style.Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202,USA. 2008.

⁷ Ирнараров Қ.Т., Мелибоев А. Ҳозирги замон журналистикаси. –Т.: 2008; Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгили мунаварлиги. –Т.: Мумтоз сўз. 2011; Умиров С. Дорилфунунлар тақдиримда. –Т.: 2008; Муаллифлар жамоаси. Босма Оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари. V жилд. –Т.: Ўзбекистон. 2019; Ортикова Ю. Журналистикада креатив фикрлаш. Ўқув қўлланма. –Т.: 2021; Шоабдурахмонов Ш. Ойбек романларининг тили // Шарқ юлдузи, 1995; Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти.Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи. 2004; Шамаксудова С. Медиа тили ва услуби.Ўқув қўлланма. –Т.: 2021; Рябчиков Е. Рождение темы. –М.: Госполитиздат,1960; Иванова Р.Ф. Конкретное социологическое исследование и публицистика // Вопросы теории и практики массовых форм пропаганды. –М., 1968. Вып. 1; Хозиев Б.Р. Выбор темы и ее разработка. // Вестник. 2008; Горохов В.М. Закономерности публицистического творчества. –М., 1975; Муратова Н., Гризл Э., Мирзахмедова Д. Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги: –Т.: Baktria press, 2019; Мельник Г.С., Почкай Е.П. Методы научного анализа журналистского творчества. СПб., 1996; Лазутина Г.Основы творческой деятельности журналиста. – М.: 2004; Прохоров Е.П. Искусство публицистики. –М., 1984; Кольчик С. Заветный «мешок» Александра Васинского // Журналист. 1997. № 6; Хрусталева О. Андрей Битов: Писателю необходимо состояние истерики // Коммерсантъ-daily.1997; Васильев В.П. Методология и методика конкретных социологических исследований СМИ и пропаганды. –

Замонавий публицистика тамойили турли нуқтаи назардан ўрганилганига қарамай, айнан мавзу, муаммо ва маҳорат масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Ушбу муаммонинг ўзбек журналистикасида яхлит тарзда ўрганилмагани масаланинг монографик тарзда тадқиқ этилиши муҳимлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий публицистик материалларни юқори савияда тайёрлашда мавзу, муаммо ва ижодкор маҳорати масалаларининг ўрни, аҳамиятини кўрсатиш ва самарали ижод тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий публицистика хусусиятлари, моҳиятини ўрганиш;

публицистик матннинг асосий мезонлари – асар мавзуси, ғояси, фактик ва ифода воситалари, композиция (матнни ташкил этган воситалар), муаллиф фикрининг лексик-услубий ифодасини тадқиқ этиш;

замонавий публицистикада мавзу ва унинг аҳамиятини илмий асослаш;

замонавий публицистикада муаммо ва уни ёритиш масаласини ўрганиш;

журналист ижод маҳоратини, унинг тилдан фойдаланиш салоҳиятини ОАВ материаллари орқали таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида нашр этиладиган “Янги Ўзбекистон”, “Хуррият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарининг 2016–2020 йилларда чоп этилган сонлари ҳамда интернет сайтлари материаллари олинди.

Тадқиқотнинг предметини ОАВда мавзу танлаш, муаммони ёритиш ва ижодкор маҳоратини ўрганиш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-типологик, статистик ва комплекс, стилистик, лингвистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

публицистик услубни замонавий талқин қилишнинг аҳамияти, коммуникатив вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, публицистик асарда адресант ва адресат вазифалари, замонавий публицистикада ижтимоий-сиёсий фаолият турлари бўйича факт ҳамда материал танлаш талаблари аниқланган;

ижодий жараёнда амалиётни ўрганиш, янги ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, рақобатбардош ахборот майдонида ўзига хос мавзу танлаш, материал тайёрлашнинг йўл-йўриқлари исботланган;

муаммоларни ёритишда журналистнинг тезкор фикрлаши, фикрлашнинг мослашувчанлиги, оригиналлик, қизиқувчанлик, гипотезалар ишлаб чиқиш қобилияти, фантазияси каби хусусиятлар ноанъанавий ёндашув асосида далилланган;

ижодкор маҳорати, журналистик материал яратиш, публицистик матнни профессионал даражада шакллантириш жараёни ноанъанавий ёндашув асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

замонавий публицистика ва иждоқор маҳоратини тадқиқ қилишда илмий-амалий ёндашувлар асосидаги таҳлилий фикрлар келтирилган.

публицистик матнни самарали таҳлил қилиш тамойиллари ва иждоқ қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган;

журналистик иждоқда мавзу танлашнинг аҳамияти ёритилган ва мавзунини қандай танлаш кераклиги ҳақида маълумот берилган;

таҳлилий публицистикада муаммонинг ёритилишига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

самарали иждоқ қилишда таъсир воситаси, фикрни ифодалаш, ташқи оламни хабардор этиш жараёни билан боғлиқ кўрсатмалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда замонавий публицистикада мавзу, муаммо ва маҳорат масаласи ўзбек ва хориж олимлари илмий асарлари асосида комплекс ўрганилиб, назарий хулосалар чиқарилгани, назарий хулосалар ОАВ материаллари орқали таҳлил қилингани, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган илмий-назарий хулосалар замонавий публицистикада мавзу, муаммо ва маҳорат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, иждоқорлар ва бўлажак журналистлар учун публицистик материал тайёрлашда дастуруламал вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти журналистлар учун публицистик материал тайёрлашда керакли ва долзарб мавзунини танлаш, жамиятда юзага келган муаммоларни ёритиш ва медиамакондаги кучли рақобат шароитида мавзу ва муаммони аниқ, тезкор ва объектив ифодалаш, иждоқор маҳорати масалалари бўйича аниқ тавсиялар берилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий публицистикада мавзу, муаммо ва маҳорат масалалари таҳлили жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

публицистик услубни замонавий талқин қилишнинг аҳамияти, коммуникатив вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, публицистик асарда адресант ва адресат вазифалари, замонавий публицистикада ижтимоий-сиёсий фаолият турлари бўйича факт ҳамда материал танлаш бўйича

тавсиялардан ЎзМТРКнинг “Yoshlar” телеканалда фойдаланилган (ЎзМТРК “Yoshlar” телерадиоканалининг 2022 йил 24 февралдаги 06-31-477-сон ҳамда 2022 йил 16 февралдаги 14-01-56-сон маълумотномаси). Натижада таклиф этилган тавсиялар мутахассисларни мунтазам қайта тайёрлаш ва шахсий профессионал тажрибаларини такомиллаштириш қўл келган;

ижодий жараёнда амалиётни ўрганиш, янги ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, рақобатбардош ахборот майдонида ўзига хос мавзу танлаш, материал тайёрлашнинг йўл-йўриқлари бўйича тавсиялардан республикамиздаги ижтимоий-сиёсий матбуот нашрларида фойдаланилган (“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” бирлашган таҳририятининг 2022 йил 18 мартдаги 88-сон маълумотномаси). Натижалар мавзу танлаш, уни ёритиш, публицистик матнда долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилган;

журналистик материал яратиш, муаммоларни ёритишда журналистнинг тезкор фикрлаши, фикрлашнинг мослашувчанлиги, оригиналлик, қизиқувчанлик, гипотезалар ишлаб чиқиш қобилияти, фантазияси, публицистик матни профессионал даражада ёзиш маҳорати бўйича тавсиялардан “Milliy tiklanish” газетасининг бадиий-публицистик йўналишдаги материалларини такомиллаштиришда фойдаланилди (“Milliy tiklanish” газетасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 25/09-сон маълумотномаси). Натижалар ўқувчи эътиборини тортиш, журналистларнинг мавзу танлаш ва уни моҳирона ёритиш малакаларини оширишда амалий ёрдам берган.

ижодкор маҳорати, публицистик матни профессионал даражада шакллантириш жараёнининг ноанъанавий, оригинал ёндашув асосидаги таҳлиллардан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Илм-фан рукнидаги интернет материалларини такомиллаштиришда фойдаланилди (“Uza.uz” таҳририятининг 2022 йил 27 январдаги 31/15-сон маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 01-03/1178-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар журналистика таълими соҳаларида янгиланишларни амалга оширишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий конференциясида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, ОАК докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та (2 таси республикада ва 4 таси хорижий журналда) мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий публицистиканинг назарий асослари ва унда мавзунинг ўрни”** деб номланган биринчи бобида публицистик услубнинг замонавий талқини ва унинг моҳиятини ифодаловчи воситалар, замонавий публицистикада мавзу ва унинг аҳамияти ўрганилган.

Публицистика – ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида усули, ижод туридир. У жамият ҳаётида, айна пайтда бўлиб ўтган ва ўтаётган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисларни акс эттириб оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши лозим бўлган муаммоларни кўтариб чиқади ва айна замон кишилари манфаатларига хизмат қилади. Публицистикани маданий мулоқотнинг ривожланишида етакчи хусусиятларга эга бўлиши туфайли юзага келадиган нутқ ифодасининг мураккаб жанри сифатида таърифлаш мумкин. Бунда мавзу, услуб, композиция, мақсадни белгилаш ва бошқалар муҳим саналади. Публицистикани замонавий талқин этишда: 1) публицистика предметининг хилма-хиллиги; 2) коммуникатив вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари; 3) публицистик чиқишда адресант ва адресат хусусиятлари; 4) нутқнинг ўзига хослиги; 5) публицистик нутқ услуби ҳақида кенг тушунчага эга бўлиш талаб этилади.

Публицистика, асосан, муаллифнинг позицияси, ифоданинг образлилиги, аниқ фактлар ва услубнинг тўғри танланиши билан ижодий фаолиятнинг ўзига хос турига киради. Публицистиканинг махсус ижтимоий-сиёсий йўналишга эгаллиги, уни ўрганиш ва баҳолашда унга мураккаб тизим сифатида ёндашишни талаб қилади. Замонавий жамиятда публицистика кундалик онгга таъсир ўтказиш ва сиёсий ҳаракат сифатида омма онгини шакллантириш усули тарзида намоён бўлади.

Профессор М.Худойқулов публицистика ижтимоий ҳаёт ҳақида хабар бериши, уни таҳлил қилиши ва шу билан бирга, воқеа-ҳодисаларни жонли, таъсирчан тасвирлаши лозимлигини уқтириб, уни учта таркибий қисмга ажратади: “Булар ахборий, таҳлилий ва бадиий публицистика. Публицистиканинг бу қисмлари ўзларига хос жанрларга эгадир”⁸. Публицистик услуб бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, ушбу услубда ёзилган матнлар ўқувчи (томошабин, тингловчи)га хабар етказиш учун хизмат қилади. Иккинчидан, матн муаллифи содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг муносабатини билдиради ва тингловчилар эътиборини ўзига жалб қилиш, уларга таъсир кўрсатишга интилади. Учунчидан, публицистик асар ғоявий тарғибот-ташвиқотнинг кучли воситаси ҳисобланади. Услубнинг асосий хусусиятлари,

⁸ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2010. – Б. 226.

табий равишда, публицистик матнларда ифодаланган вазифалардан юзага келади. Ўқувчиларни имкон қадар тез ва осон хабардор қилиш оммавий ахборот воситалари – газета, журналлар, телевидение ва радио, интернет-оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Ушбу воситалардаги матнлар аниқлиги, изчиллиги, стандартлашгани билан ажралиб туради⁹.

Истиқлол шарофати, мазмун-моҳиятини теран англаш ва англатиш, юрт, миллат, халқ тақдири, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёт, тарихий қадриятлар, тил, дин, ҳуқуқ, имон, эътиқод, ахлоқ, таълим-тарбия, экология, инсонпарварлик, бунёдкорлик каби масалалар кейинги йигирма беш, ўттиз йилдаги публицистиканинг устувор мавзулари, кўтарилган муаммолар доирасини ташкил этади. Асосан публицистик ижод билан шуғулланадиган публицистлар А.Иброҳимов, Т.Малик, Т.Содиқова, А.Мелибоев, А.Эгамназаров, Н.Раҳмат, М.Абдуллаев, Б.Ҳайдаров, Ш.Отабек, Ҳ.Сатторий, З.Исомиддинов, А.Эркаев, Б.Носирова, И.Қўшшаева ва бошқалар матбуотда мунтазам чиқишлар қилди¹⁰.

Журналист асарининг асосий хусусиятлари унинг мавзуси, ғояси, фактик ва культурологик унсурлари (кичик ифода воситалари), композиция ва матннинг таркибий қисмлари, муаллиф ғоясининг лексик-услубий ифодаланишида намоён бўлади. Булар барчаси асарнинг айнан журналистик матн эканлигини белгилаб берувчи аломатлардир. Журналистик матн ғояси профессионал даражада амалга оширилса, ҳам таянч фикрларни (журналистнинг содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиши), ҳам ишлаш ғоясини (муаммони ҳал қилишда ёрдам берадиган назарий ва амалий тавсиялар) беради.

Мавзу танлаш – журналист ижодий жараёнининг асосий босқичидир. Бу эса жамоанинг умумий амалиёти ва ижтимоий ривожланиш талаблари билан боғлиқ. Мавзу танлаш билан бирга, профессионал масалаларни ҳал этишда журналистнинг ижодий салоҳияти намоён бўлади. Мавзу танлашдаги ташаббускорлик – публицистнинг жамият ҳаётида фаоллиги, ижодий позициясининг қатъийлигини кўрсатади. Мавзунинг ўрганиш ОАВда икки усулда амалга оширилади: индуктив ва дедуктив. Индуктив усулда (яъни фикрнинг хусусий (конкрет)дан умумий томон ҳаракатланиши) аниқ факт-далиллардан мавзуга борилади. Индуктив усул дедуктив усул билан тўлдирилади (умумийдан хусусийга): *“Ўзбекистон бағрини дунёга кенг очаётган мамалакатдир. Ватанга қайтиш нияти, Ватан боғларида пишиб етилган бир шингил узумни ўз қўли билан узиш, Ватан булоқларига оғиз қўйиб симириш, Ватан тўйларида қулочни кенг ёзиб ўртага чиқиш, Ватан ҳавосидан нафас олиш, бугунги Ўзбекистонни, унинг навқирон ва янги авлодини кўриш орзусида бўлганлар, юраги тош қотмаганлар учун эшигимиз, бағримиз ҳаммиша очик”*¹¹.

⁹ Бессарабова Н. Д. Метафора и образность газетно-публицистической речи // Поэтика публицистики. – М.: МГУ, 1990. С. 57.

¹⁰ Умиров С. Сехрли ва меҳрли сўз. – Т.: Бодомзор инвест. 2017. Б. 202.

¹¹ Аҳмаджон Мелибоев. Ватанга қайтиш. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2019 йил 14 июнь.

Таниқли олим Сайди Умиров фикрича: “Илмда, ижодда, катта-кичик тадқиқотда мавзу, материал жиҳатдан ўзини чеклай билиш ғоятда муҳим. Афсонавий Козьма Прутковнинг “қулочга сиғмайдиган нарсани қучоқлаб бўлмайди” деган ҳазиломуз ибораси бор. Табиийки, бир мақола доирасида ўзбек публицистикаси, аниқроғи, бадиий публицистикасининг барча мавзулари, муаммолари кўлами, муаллифлари, жанрлари, чоп этилган, эфир, экранда эшиттирилган, кўрсатилган асарлар муаллифлари хос хусусиятлари, фазилят, нуқсонлари хусусида фикр, мулоҳаза юритиш, таҳлилга тортиш имкони йўқ, бунинг учун кўплаб катта-кичик мақола, тадқиқотлар ёзилиши, диссертация, китоб, тўпламлар юзага келиши, эфир, экран тўлқинларида суҳбатлар берилиши, йиғин, анжуманларда баҳс-мунозаралар қизиши керак бўлади, бундай ишлар қилинмас, қилинмас”¹². Журналист учун мавзу топишда ўзининг ва аудитория имкониятларини инобатга олиш муҳимдир.

Мавзу устида ишлаш жараёнида ҳар хил методик воситалар, билишнинг турли усуллари, қаҳрамон билан суҳбат, аудиторияга ахборий таъсир қилиш амаллари кенг қўлланилади. Аксарият материаллар мураккаб мавзуларга бағишланган бўлади, уларни тайёрлаш журналистдан катта ижодий меҳнатни талаб қилади. Мавзу устида ишлашда ҳужжатларга таянилади. Улар журналист фикрларини ижодий акс эттиришда ёрдам беради. Мураккаб, зиддиятли вазиятлар ҳақидаги материаллар устида ишлаш қийин кечади. Амалиёт шуни кўрсатадики, журналистиканинг тематик асосларига хос ижодий имкониятлар чексиздир. Ҳатто энг оддий мавзу ҳам муаммонинг ижобий ечимини топишда ҳолисликни шарт қилиб қўяди. Мавзунинг долзарблиги ва жамият учун сиёсий ёки иқтисодий аҳамият касб этиши – журналистик фаолият муваффақиятининг зарур шarti саналади. Шунингдек, мавзу танлаш – амалга оширилиши лозим бўлган иш, бироқ бу муваффақият гарови эмас. Фақат мавзу бўйича ишлаш, уни ўзлаштириш жараёнида, журналистик ижод сирларини етарли ўзлаштирган ҳолда мавзу чуқур ва ишончли тарзда очиб берилади.

Кузатишларимиз асносида шундай фикрлар юзага келди: мавзу, одатда, икки вазиятда юзага келади – таҳририят топшириғи туфайли ёки шунчаки ғоя тарзида пайдо бўлди ва барча фикрларни қамраб олади. Журналист воқеликни ёзиладиган мақоласи нуқтаи назаридан баҳолаб, бир ғояга мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Танланган мавзу қанчалик долзарб, уни ёритиш учун нималар талаб қилинади – буларнинг барини тасаввур қила билиши жуда муҳим. Шундан кейингина журналист мавзу устида иш бошлаши мумкин.

Амалиётда журналистлар муайян бир мавзуга ихтисослашади. Аммо бундай ҳолатда фикрлаш (зеро, аллақачон таниш мавзунинг янги қирраларини очиш бошқа мавзуда ёзишдан қийинроқ) ва янги материал ёзишда тўсиқлар учрайди. Янги факт-далиллар эски мавзунинг янги қирраларни очишга ёрдам беради. Масалан, мунтазам шаҳар ижтимоий ҳаёти мавзусида ёзиб келган муаллиф энди транспорт, овқатланиш, ёнғин

¹² Умиров С. Сеҳрли сўз ва меҳрли сўз. –Т.: Бодомзор инвест, 2017. – Б.199.

хавфсизлиги ва бошқа соҳаларга доир фактлар орқали мавзуга янгилик ёндашиши мумкин. Фактларни саралаб олиш ва танлаш жараёнида журналист ахборотга, унинг ишончилигига таъсир кўрсата бошлайди. Бунда манипуляцияга йўл қўйилмайди, балки урғу бериш учун биринчи ва иккинчи даражали маълумотлар ажратиб олинади. Айти пайтда, журналист воқеа-ҳодисаларни ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб тасвирлайди, таҳлил қилади. Ушбу тамойил манбалар билан ишлашда ҳам, умуман, медиа билан ишлашда ҳам шундай вазият кузатилиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатни, албатта, ҳисобга олиш керак¹³.

Мавзу тўғри танланганда, публицистнинг кўзлаган мақсадига эришиши енгиллашади. Тўғри танланган мавзу – муваффақият гарови. Хуршид Дўстмуҳаммад “Очиқ дарс” лойиҳасида шундай фикрни айтади: “Мен янги мавзунини ўқиш-ўрганиш орқали топаман”. Биз таниқли амалиётчи ва назарий журналистлар орасида сўровнома ўтказиб, уларнинг мавзу танлашда нималарга эътибор беришини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Чунки ҳаётий тажриба – синалган усул. Тажрибали журналистларнинг мавзу танлашдаги ўзига хос усуллари билиш бўлажак журналистлар учун асқотиши ўз-ўзидан маълум.

Бугунги кунда энг долзарб мавзуларни кўтариб чиқаётган таниқли журналист, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа билан бўлган суҳбатда қуйидаги фикрларни билдирди: “Мавзуга долзарблиги, актуаллигидан келиб чиқиб ёндашаман. У одамларга қизиқарлими ёки йўқми, кўрсатувни кўрганда, томошабин зерикмайдими, масалан, Ковид 19 билан боғлиқ ёки Ўзбекистон олимпиадачиларининг ғалаба қозониши каби мавзуларга эътибор бераман”.¹⁴

“Биринчи ғалда шу кун учун, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун мавзунинг долзарблиги муҳим. Шунинг учун мавзу танлашда, унинг долзарблигига эътибор қаратаман, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, филология фанлари номзоди Олимжон Ўсаров. – Шунингдек, мени ҳуқуқий мавзулар қизиқтиради. Бу соҳада қандайдир муаммолар юзага келса, дарҳол шу мавзунини ёритаман”.

Амалиётчи ва назарий журналист Илмира Раҳматуллаеванинг фикри қуйидагича: “Телевидение – давр кўзгуси. Давлат телеканалларининг ўз дастурига мос мавзулари бор. Шу дастур асосида ишлашга тўғри келади. Лекин мен мавзунини умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда танлайман”.

Тадқиқот жараёнида публицист-ижодкорлар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Унинг натижалари қуйидагича: “Журналист сифатида мавзу танлашда қайси жиҳатга кўпроқ эътибор берасиз?” деган саволга берилган жавоблар: 44% – долзарблигига, 31% – аудитория эҳтиёжига, 18% – ўз қизиқишига кўра, 7% – одатда, мустақил мавзу танлаш, топшириқ асосида ёзишни қайд этган; “Республика миқёсида ўрганилиши лозим бўлган

¹³ Муратова Н., Гризл Э., Мирзахмедова Д. Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги. – Т.: Vaktria press, 2019. – Б. 21.

¹⁴Ушбу ва кейинги суҳбатлар матни тадқиқотчи архивида сақланмоқда.

масалалар қайси йўналишда кўпроқ?” деган саволга берилган жавоблар: 35% – ижтимоий, 14% – экологик, 5% – маиший, 8% – халқаро, 19% – иқтисодий, 19% – сиёсий; “Ижодкор маҳорати деганда нимани тушунаси?” деган саволга берилган жавоблар: 18% – фикрлаш доирасининг кенглиги, 1% – тил(лар)ни билиш қобилияти, 7% – кузатувчан ва синчковлик, 5% – иқтидор, 69% – барча жавоблар тўғри¹⁵.

Диссертациянинг “**Замонавий публицистикада ғоянинг юзага келиши ва муаммони ўрганиш масалалари**” деб номланган иккинчи бобида асар ғояси, материалнинг юзага келиши, тўпланиши, тузилиши, шунингдек, замонавий публицистикада муаммо ва унинг ёритилиши ҳақида фикр юритилади.

Публицистикада ижтимоий, сиёсий ғояларни тарғиб қилиш ва оммага етказиш муҳим омил саналади. Публицист улкан ҳаётий масалаларни мантиқий мушоҳада, далил ва асослар билан тушунтириб, исботлаб бериш билан бирга, ўқувчи ёки тингловчини ишонтириши, унинг онги ва ҳис-туйғуларига таъсир этиши лозим. Публицистик ижодда бирламчи ғоянинг вазифаси – мавзуни очиқ бериш. Бунда ғоя бадиий услубнинг образли ва таъсирчанлигидан ташқари, ўзига хос вазифани – умумий фикрлар, адабий асарларда образли ифодаланувчи муайян мавзу ролини бажаради.

Кейинги йилларда ноанъанавий ёндашув асосида мавзу танлаш ва мулоҳаза юритиш урфга кирмоқда. Бундай ижодий фикрлаш асосида яратилган асарлар ўзига хослиги, фикрнинг ноодатий ифодаланиши, янги ғояларнинг юзага келиши билан фарқланади. Муаммоларни ёритишда журналистнинг ижодий фикрлашнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлди:

- тезкор фикрлаш (қисқа муддатда янги ғояларнинг пайдо бўлиши);
- фикрлашнинг мослашувчанлиги (битта ғоядан бошқасига ўта олиш қобилияти);
- оригиналлик (ҳаммага маълум қарашлардан фарқ қилувчи ғояларни топиш қобилияти);
- қизиқувчанлик (атрофдаги муаммоларни ҳис эта билиш);
- гипотезалар ишлаб чиқиш қобилияти;
- фантазия қила олиш (мақсадни мантиқий мушоҳада қилиб, ҳаётий реалликдан чиқиб кетиш).

Ж.Гилфорд ушбу хусусиятларни “диверген фикрлаш” деган ибора билан умумлаштиради. Бу хусусиятлар муаммо энди кўринаётган, уни ечиш йўли ҳали тўла аниқланмаган, аввалдан белгиланмаган ҳолда намоён бўлади. “Конвергент фикрлаш”да эса, аксинча, муаммо ечими анъанавий ва аниқ белгиланган йўналишда олиб борилади¹⁶. Лекин креатив фикрлаш, барибир, аввалги ҳаётий тажриба, билим ва кўникмаларга, атроф-муҳитга боғлиқ.

Мавзу ва муаммо – бадиий публицистиканинг, ёзувчи мақоласининг энг муҳим, жозибали жиҳатларидандир. Бу икки сўзни боғлаш, вобаста

¹⁵ Сўровноманинг асли иловада берилди.

¹⁶ <https://psychology.academic.ru>

ишлатишнинг боиси шундаки, пишиқ-пухта мақолаларда публицист танлаган мавзу муаммобанд бўлади, муаммолар ўз навбатида янги мавзуларга йўл очади¹⁷. Муаммо – камчилик, жумбоқ, ҳал этилмаган масала сингари маъноларни англатса-да, уни ҳар ким ўз тушунчасидан ёки ўзи дуч келган аниқ вазиятдан келиб чиқиб тавсифлайди. Журналистикада муаммонинг ўзига хос жиҳати шундаки, у турмушдаги мавжуд зиддиятларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, долзарб масалаларга, гарчи пайдо бўлган муаммони ҳал этишга қаратилмаса-да, жуда бўлмаганда, жамоатчилик фикрини уни бартараф этишга қаратиш мақсадида тезкорлик билан иш кўришни тақозо этади. Журналистик асарда кўтарилган муаммо ўқувчи эътиборини шунчаки жалб этиб қолмай, балки ОАВнинг жамиятдаги обрўсини кўтариши, фаол ҳаётий нуқтаи назарини шакллантиришда кучли омил бўлиши лозим.

Муаммоли материал тайёрлашда журналист, албатта, муаммонинг жамият ҳаётида қанчалик аҳамият касб этишини эътиборга олиши керак. Яъни ўрганилаётган муаммо глобал масалаларни қамраб олганми ёки ижтимоий ҳаётдаги кичик масалалар билан чекланганми? Умуман, инсоният ҳаётига тегишли бўлган глобал муаммоларни ёритиш кўп меҳнат, билим ва маҳоратни талаб этади. Бунда муаммони чуқур ўрганиш, мутахассислар билан суҳбатлашиш, аниқ факт-даллилар тўплаш, масалага ҳар томонлама ёндашув муҳим ҳисобланади. Муаммони ёритишда унинг қандай муаммо эканини англаш зарур. Шу маънода муаммонинг турларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Глобал муаммолар: ҳаёт сифати – экология, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва энергия ресурслари (иссиқлик, ёритиш, транспорт ва бошқалар); демографик инқироз оқибатлари (Ер юзида аҳоли сонининг кескин ўзгариши); ўрмонларнинг йўқ қилиниши билан боғлиқ жиноятлар; Ерга нисбатан жоҳилона муносабат.

2. Мамлакатларга хос муаммолар: очлик (озиқ-овқат етишмаслиги); хомашё етишмаслиги (сув ва бошқалар); иқтисодий муаммолар (меҳнат бозоридаги танглик ва бошқалар); коррупция; иқтисодиётнинг товар табиати (хомашё базасидан ўринли фойдалана олмаслик).

3. Минтақалар ва шаҳарлардаги муаммолар: ижтимоий соҳадаги муаммолар; уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммолар; транспорт инфратузилмаси муаммолари (йўллардаги тирбандлик), йўлларнинг носозлиги; йўл-транспорт ҳодисаларининг кўплиги.

4. Ташкилотлар (фирмалар) муаммолари: кадрлар билан боғлиқ муаммолар; маҳсулотга бўлган талабнинг пасайиши.

5. Шахсларга оид муаммолар: иш билан таъминлаш; уй-жой; соғлиқ; оила.

Муаммонинг таҳлили муаллифга уни тўлиқ англаш ва ҳал қилиш йўл-йўриқлари ҳақида амалий тавсиялар беришга имкон туғдиради. Бундан ташқари, муаммоларни таҳлил қилиш уларнинг даражасини, кўламини

¹⁷ Умиров С. Сехрли сўз ва меҳрли сўз. – Т.: Бодомзор инвест, 2017. – Б. 202.

белгилайди ва ҳақиқатан ўрганилаётган объект билан боғлиқлигига аниқлик киритади. Муаммолар таҳлили жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Муаммони аниқлаш ва таснифлаш.
2. Муаммо ечимига эҳтиёжманд бўлган жараён қатнашчиларини аниқлаб олиш.

Муаммоли мақола ёзишда яна бир усул – Европа технологияларидан бири SCORE методи яхши самара беради:

S (symptom)	Муаммонинг белгилари
C (cause)	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари
O (outcome)	Муаммо ечимидан кутиладиган натижалар
R (resources)	Қаерда?, қачон?, нима?, қандай? саволларига жавоб топиш орқали муаммо ечими манбаларини аниқлаш
E (effect)	Муаммо ечимини топиш, мақсад сари йўналтирилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш орқали юқори самарадорликка эришиш

Диссертациянинг “**Замонавий публицистикада ижодкор маҳорати ва публицистик матн мезонлари**” деб номланган учинчи бобида журналист маҳоратини кўрсатадиган омиллар, публицистик матн меъёрлари: ифода воситалари, композицияси, лексик-услубий бирликларнинг берилиши, шунингдек, замонавий публицистикада тил ва услуб масаласи таҳлил қилинади.

Тадқиқотимиз давомида ижодкор маҳоратини кўрсатадиган муҳим омилларни ўрганишга ҳаракат қилдик. Биринчи омил бу – мавзуни тўғри танлаб олиш. Ижодкорнинг мавзуни тўғри топа билиш маҳорати муҳим.

Таниқли олим, журналист Хуршид Дўстмуҳаммад ижодкорнинг муайян бир мавзуда мунтазам ижод қилиши ижобий ҳодиса эканлигини таъкидлайди.¹⁸ Дарҳақиқат, аниқ бир мавзуда қалам тебратиш, айниқса, журналистика соҳасида муаллифнинг айнан шу мавзуни етарли даражада ўрганишини ва кенг ракурста таҳлил қилишини осонлаштиради.

Бугунги кунда журналистикада ихтисослашув жараёнига жиддий эътибор қаратилаётгани, бир томондан, маълум соҳада, маълум мавзуда масалани чуқур ўрганишга, иккинчи томондан, аудиторияни аниқлаб олишга ёрдам беради. Натижада журналистнинг талаб даражасидаги материални ёзиш, маҳоратини намоён қилиш имконияти ортади.

Мавзу ва муаммо – публицистиканинг энг муҳим хусусиятларидан. Публицистика мавзулари муаммоли, муаммолар эса, ўз навбатида, янги мавзуларга йўл очиши лозим. Мавзунинг долзарблиги асар сарлавҳасида кўришиб туради. Масалан, жаҳонда энг долзарб муаммо бўлиб келаётган коронавирус инфекциясининг тарқалиш ва унинг олдини олиш, унга қарши курашиш масаласи юзага келганидан бери ОАВда ушбу мавзуда кўплаб

¹⁸ Дўстмуҳаммад Х. Ижод кўнгли мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011. Б.19.

материаллар босила бошланди: Сайди Умировнинг “Коронавирус: илк сабоқлар, саволлар, ўйлар (Никоб тутиб, кўлқоп кийиб ёзилган мақола)”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Сен! Сен! Сен!”, Аҳмаджон Мелибоевнинг “Ўзликка қайтиш ёхуд трактор билан чизиб бўлмайдиган сурат”, Сафар Остоновнинг “Ҳаётнинг бугунги ҳақиқати ва сабоқлари” каби таҳлилий публицистик мақолалари, гарчи бир мавзу доирасида ёзилган бўлса-да, уларнинг ҳар бири муаммога янгича ёндашилгани, таҳлил, факт-далилларнинг келтирилгани ва лисоний-услубий жиҳати билан ўзига хос. Бир неча материалларда бир мавзунинг турлича талқинида ҳар бир муаллифнинг айрича маҳорати яққол намоён бўлган.

Айни шу жиҳатларга кўра, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Сен! Сен! Сен!” Буюк Абдулла Қодирийдан кўчирма”¹⁹ сарлавҳали мақоласи диққатга молик: *“Айни баҳор айёмини ҳаром қилди отинг ўчгур бу иллат! Қанчадан-қанча юмушим бориди, увол қилди барини, ярамас! Бу хумса дунё аҳли умумияни олдиға солиб қувганидан ақлим лол, десангиз!*

Ўзи зарра бўлса-ю, тожға бало борми?! Тожинг билан қўшмозор бўлгур! Яхишики, ҳукумат ҳушёр, юрт Эгаси, эгалари беҳаловат! Бой бўлгур дўхтурларни айтайинми? Кифтини юлдуз босгур милисаларнинг тун-кунни унутганларидан наҳ урайинми? Умри-ҳаётида барака топгурлар! Ота-энасиға олқииш-офарин барчаларининг! У томон гарбия-ю, бу томон шарқиянинг дарди бир – талофатнинг пайини қирқииш. Илло, айтмасам, адолатға хиёнат бўлар, ташивиқот денгизи ҳам кун-тунни унутган: беармон ёзмоқда, айтмоқда, кўрсатмоқда. Инонамани, буларнинг ҳеч бири бесамар эмас! Водариг, илло-билло зарра маҳорабаси беталофот қолмаётур...” Муаллиф танлаган мавзу чиндан-да оламшумул, долзарб. Қолаверса, умуминсоний муаммо, уни бартараф қилишға ҳар бир фуқаро масъулдир. Афсуски, масъулиятни ҳис қилмайдиган бефарқ одамлар ҳам яққол кўзға ташлана бошлади. Шуларға қарата ёзувчининг айтган сўзлари жуда таъсирчан. Ушбу матннинг таъсир кучи – халқона тилда ёзилганида, *бой бўлгур, барака топгур, ота-энасиға олқииш-офарин* каби умумистеъмолдаги лексик бирликлардан моҳирона фойдаланилганида. Муаллиф содда, жайдари сўзлар, жаргон-арголар, вульгаризмлардан ўринли фойдаланган: *“Афсус, савобли ниятлар, мақсадлар якдил-якранг бу кунларда нафси шайтонға алданиш, яъниким шайтон измиға гумроҳларча лақилловчилар учраётгани кўфримға ўт қаламоқда, яхишлар! Биласиз, ҳақиқат – очиб сўзлаида. Инчунин, камина матбуот риоясини хатм қилгон, ўқиған бир банда эсам-да, адаб доирасидан чиқсам, номи ўчгур малъун зарра қўлтиғиға сув пуркаётган овсарларға айтар сўзим шу: бунға мен эмас, сен бенават. СЕН! СЕН! СЕН!*

Наҳот, жоҳиллик, лақмалик қотиллик эканини англаб етмасанг? Тўй-ҳашамға бало борми? Дабдабаға, ҳою ҳавасға тўймагур, лодон?! ...Кун сайин, соат сайин заҳарланганлар, бевақтдан-бевақт оёқ чўзганлар сони ортиб бораётганиға сўқир кўзларингни тўлдириб-тўлдириб қара! Ақлинг,

¹⁹ Янги Ўзбекистон // 2020 йил 14 апрель.

*фаросатинг фалаж бўлмаса, фурсат ганиматда этагингни йиғиштириб ол!
Кўзинг мошдай очилгунча, кўздай оч кўзингни, кўр бўлмагур!”*

Юракдан чиққан шундай аччиқ сўзлар, албатта, “нишон”га етиб бориши тайин. Муаллиф дунёқарашининг кенглиги, муаммони ёритишга ўзига хос ёндашгани, тил бойликларидан усталик билан фойдалана олгани матннинг таъсирли чиқишини таъминлаган.

